



2025-yil  
14-iyun  
shanba  
№74  
(5138)

# Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

## Завқли ёз



Эъзоза УМР олган сурат

Шодмонкул САЛОМ

## Юрт ҳақида дуо

Не бўлса ҳам ҳеч кимдан кўнглим қолиб кетмасин,  
«Олабўжи» қолига ёппа солиб кетмасин,  
Сергак туринг, йигитлар, чегарадан ўтмасин,  
Темурбекнинг авлоди Темурга ўхшаш керак!  
Азиз Ўзбекистоним минг йиллар яшаш керак!

Ўзбекнинг кимлигини сўйласин бобо тарих,  
Ҳали мингдан бирини билмай сарсон муаррих,  
Кўз ҳам қилич ўйнатиб келган оқ, қора, сариқ,  
Темурбекнинг авлоди Темурга ўхшаш керак!  
Ўзин юртида эмин улғайсин-да келажақ!

Ўзбек, қозоқ, қирғизим – отаси бир илдимиз,  
Туркман, тожик – бовурим, бир жойдан чиқсин сўзим,  
Оч айиқлар қошида қолиб кетмай бир ўзим,  
Темур султон авлоди Темурга ўхшаш керак!  
Онажон Туркистоним минг йиллар яшаш керак!

Геродот ёзиб кетган, Беруний ўзиб кетган,  
Тарих денгизи аро не музлар сузиб кетган,  
Бобом юртни бузмаган, мамлакат тузиб кетган,  
Темур бобом авлоди Темурга ўхшаш керак!  
Бир сапча ҳам унмайди, агар бўлмаса палак!

Жуним чаппа силама, кўрқоқ, маддоҳ эмасман,  
Ухламас бир вулқонман – берганман, олганмасман!  
Гоҳ қилич, гоҳ китоб-ла борман, ортда қолмасман,  
Темур Тарағай зоти Темурга ўхшаш керак!  
Отаси тайин бу эл минг йиллар яшаш керак!

Эсимда, унутмайман – оналарнинг зорини,  
Биров бажарган эмас отажоним корини,  
Кўрдим – уйда нон йўқ, илғор пахтакорини,  
Темурхоннинг зурёди Темурга ўхшаш керак!  
Заҳматқаш онам – бу юрт абадий яшаш керак!

Бу юрт азизлар юрти – зер-забарнинг қабри бор,  
Авлоди Саййид ётур – шаҳриёнинг қабри бор.  
Дунёга сабоқ берган ифтихорнинг қабри бор,  
Темурбекнинг фарзанди Темурга ўхшаш керак!  
Оқ сут берганим – онам, хотиржам ётиш керак!

Магар, сўзинг чин бўлса, ҳабибимни топиб бер,  
Жанозасиз кўмилган жадидимни топиб бер!  
Сен ҳам, мен ҳам ишонай – сабабини топиб бер,  
Темурбек фармони бу – тамом бажариш керак!  
Бу эл қадим Наврўздай абадий яшаш керак!

Шоир нени тилайди? Шоир тинчлик сўраган!  
Парвардигор сўзи не: Фақат Мендан сўрагин!  
Ризқни Ўзи бергувчи, нечун жонни қийнаган?  
Темурбекнинг ватани ватандай қолиш керак!  
Ўзбекистон – онажон абадий бўлиш керак!

Феълинг ройиш бўлса, гар, олдинг беҳишт бўлмай, дер,  
Тинчлик деган неъматга дастурхонинг тўлмай, дер,  
Боболари завқлиниб, гўдаклари кулмай, дер,  
Темур бобо авлоди Темурдай яшаш керак!  
Бу шеър эмас, дуодир! Ижобат бўлса керак!  
Онажон Ўзбекистон абадий туриш керак!

### КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...

## МУҚАДДАМ ЯНА МАКТАБГА ҚАЙТДИ

Нурафшон шаҳридаги спорт мактабида йўриқчи-услубчи лавозимида ишлаб келган, 4 нафар вояга етмаган фарзанднинг онаси ҳисобланган Муқаддам Гулмуротовага иш берувчи дастлаб ҳайфсан, бироқ муддат ўтиб эса, ўртача иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида интизомий жарима жазоси тайинлади. Шу тариқа ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

М.Гулмуротова бундан норози бўлиб, Спорт вазирлигига мурожаат йўллади. Аммо фойдаси бўлмади. Шундан сўнг Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгашига шикоят қилди. Биз шу асосда масалани ўрганишга киришдик. Пировардида, мактаб директорининг ходимга нисбатан қўллаган интизо-

мий жазоси ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғи Меҳнат кодексининг тегишли моддалари талабларига зид эканлигини аниқладик. Айти ҳолатлар юзасидан иш берувчига кўрсатма хати юбордик. Лекин натижа биз кутгандек бўлмади. Алқисса, фуқаролик ишлари бўйича ўртачирчиқ туманлараро

судига даъво-ариза киритдик. Суд М.Гулмуротовани ишга тиклаш ва унинг фойдасига 10 миллион сўм миқдорида маънавий зарар ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Машраб МИРЗАЕВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

## МАДАДКОР БЎЛИШГА ТАЙЁРМИЗ

Жиззахлик Сурайё Ҳазратқулова касба уюшмаларидан ёрдам сўраб, мурожаат йўллади. Маълум бўлишича, у 2023 йилдан эътиборан Самарқанд шаҳрида жойлашган «Тоҳир» МЧЖга қарашли савдо шохобчасида сотувчи бўлиб ишлаб келган. Шу йилнинг март ойида эса ҳомиладорлик таътилига чиққан. Лекин иш берувчи таътил пулларини вақтида тўлаб бермаган. Ўз ҳақини кута-кута чарчаган аёл охир-оқибат касба уюшмаларига «ёрилди».

«Тоҳир» МЧЖ касба уюшмаси аъзоллигига қамраб олинмаганига қарамай, ваколатимиз доирасида масалани ижобий ҳал этишга киришдик. Чунки Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси эшиги барча учун доимо очик. Ҳар бир юртдошимизга қўлдан келганча ёрдам беришга тайёрмиз.

Улуғбек ҒАНИЕВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

# 1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



# 120 ЙИЛЛИК ТАРИХНИ ЖОНЛАНТИРГАН МАСКАН

## ТАШАББУС ВА САМАРА



**Музейлар аждодлардан мерос бўлиб қолган бойлиқни келажак авлодга етказиб берадиган илмий, маънавий-маърифий хазинадир. У фақат маданий қадриятлар намойиши бўлиб қолмай, тарихдан сўзловчи бебаҳо китоб ҳамдир.**

Ўзбекистон касба уюшмалари тарихи музейи соҳанинг узоқ йиллик тарихини ўзида акс эттиргани билан аҳамиятли. Ушбу маскан Федерация раиси Қудратилла Рафиқов ташаббуси билан йиллар давомида олиб борилган изланиш, архив тадқиқотлари, илмий таҳлиллар ва кўплаб мутахассисларнинг фидокорона меҳнати эвазига ташкил қилинди. Бир сўз билан уни оддий меҳнатқашларнинг машаққатли ҳаёти, орзу-уйларини тарих саҳнасига олиб чиққан уй, десак, муболага бўлмайди. Чунки ундаги экспонатларда инсон қисмати, унутилмас заҳматлар, ишчиларнинг ўз касбига бўлган чексиз муҳаббати акс этган.

Музей экспозициясида 1905 йилдаги илк касба уюшма ҳаракатларидан тортиб, мустақилликдан кейинги давргача бўлган ислохотлар батафсил ёритилган. Бу ерда ходимлар ҳаёти, уларнинг меҳнат шароити, турмуш тарзи, ижтимоий ҳимоя масалалари ҳақидаги маълумотлар, касба уюшмаларининг тарихий қарор ва ташаб-

буслари, архив ҳужжатлари, фотосуратлар, шахсий буюмлар мужассам.

Мухтасар айтганда, ушбу музей хизматчиларнинг кечаги кунини ва бугунини боғлайдиган маскан ҳамдир.

— *Музей очилишига бир воқеа сабаб бўлган экан, — дейди Мадина Абдукаримова. — Менинг отам Ирисмуҳаммад Абдукаримов «Ishonch» газетасида ишлаган. Жадидлар фаолиятига оид кўплаб мақолалар ёзган. Айниқса, Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигига бағишланган тадбирларда фаол иштирок этган. Шу аснода Абдулла Қодирий касба уюшмаси кўмитаси етакчиси бўлгани ҳақида ўқиб қолади. Уни аниқлаштириш мақсадида жадидчи бобомизнинг невараси Шеркун Қодирий билан учрашади. Маълумот ўз тасдиғини топгач, шу ҳақда*

*мақола тайёрлайди. У «Ishonch»нинг 2019 йил октябрь ойидаги сонларидан бирида чоп этилади. Бироз ўтиб, «Касба уюшма тарихини билиш лозимми?» сарлавҳали иккинчи мақоласи ёритилади. Шундан сўнг Қудратилла Рафиқов касба уюшмалари музейи очилиши тақдир қилади. Бу ишларга отамни бош-қош этиб тайинлайди.*

Орадан кўп ўтмай, ишлар бошланиб кетади. Биринчи навбатда, музей концепцияси ишлаб чиқилади. Бунда Ўзбекистон миллий архиви, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона, Президент Администрацияси ҳузуридаги архивлардаги маълумотлардан фойдаланилади.

— *Отамни кўп бор ҳужжатлар орасида мукка тушиб ўтирган ҳолда кўрардим, — дея сўзида давом этади суҳбатдошимиз. — Баъзан ишга шу қадар берилиб кетардики, ҳатто тушлик қилишга ҳам вақтини қизганарди. «Юрнунг, овқатланайлик, ишингизни кейин давом эттирасиз», десам, «Йўқ, бироз шошмай тур, ҳозир шу маълумотни ўқиб олай», дерди. Унинг ўз касбига муҳаббатини музейдаги экспонатлар кўплигидан ва ранг-баранглигидан ҳам билиш мумкин.*

муайян даври ёритилган. Биринчи бўлим 1905-1924 йилларни қамраб олиб, Туркистон ўлкасидаги илк касба уюшмаларининг шаклланиши, темирйўл ва алоқа ходимларининг уюшиши билан боғлиқ жараёнларни ўзида акс эттиради.

Бу даврда ҳатто жадидлар ҳаракати вакиллари, жумладан, маърифатпарвар Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирийлар ҳам ушбу ҳаракатда фаол иштирок этгани ишончли манбаларда қайд этилган.

Иккинчи бўлимда 1925-1990 йиллар оралиғи, яъни собиқ Совет Иттифоқ давридаги касба уюшмалари фаолиятига оид манбалар жамланган. Улар орасида қатагон йилларида жабр кўрган фаоллар, касба уюшмаларининг фашизмга қарши курашдаги ҳиссаси, уруш қатнашчилари ва кейинги йилларга тааллуқли маълумотлар бор. Шунингдек, Ўзбекистон касба уюшмалари Республика ташкилотининг қайта тикланиши, конференциялар, биринчи қурултой ҳақидаги архив ҳужжатлари ва фотосуратлар музейнинг ушбу бўлимига бой тарихий мазмун бахш этиб турибди.

Учинчи бўлимда мустақилликдан кейинги давр — 1991 йилдан 2016 йилгача бўлган фаолият акс эттирилган. «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонун, шу давргача ўтказилган қурултойлар, ташкилотнинг қайта шаклланиши, ижтимоий ҳамкорлик ҳақидаги маълумотлар билан бойитилган.

Энг муҳими — тўртинчи бўлим «Янги Ўзбекистон — янги касба уюшмалари» деб номланган. Шунга мувофиқ, 2016 йилдан ҳозирга қадар амалга оширилган ислохотлар, янги қонунлар, 11 ноябрнинг Касба уюшмалари кўни сифатида белгиланиши, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг ташкил этилиши каби муҳим воқеалар қамраб олинган. 2020 йили ўтказилган VIII Қурултой ва Президентнинг касба уюшмалари кўнига бағишланган табриги нусхаси эса, музей экспозициясига ўзгача файз бағишлаб турибди.

Касба уюшмаларида хизмат қилган фахрийлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида музейда «Фидойилар меҳнати мангу яшайди» деб номланган яна бир экспозиция очилди. Бу нафақат тарихга, балки инсон меҳнатига бўлган эҳтиром рамзидир.

Музей ашиқлари талаба-ёшлар, меҳнат жамоалари, тадқиқотчилар ва хорижлик меҳмонлар учун ҳамisha очик.

Касба уюшмалари тарихи бу фақатгина ҳужжатлар ёки экспонатларга муҳланган ўтмиш эмас, балки меҳнатқаш инсонлар, оддий халқ вакилларининг ўз ҳақ-хуқуқлари, адолат, тенглик йўлида олиб борган сайъ-ҳаракатлари ўз ифодасини топган манбалар жамланмасидир.

**Феруза РАҲИМОВА**  
«ISHONCH»



## ХИСОБОТ-САЙЛОВ

Давом этаётган ҳисобот-сайлов жараёнлари касба уюшмалари жамиятда муҳим ижтимоий институт сифатида шаклланиб, ижтимоий сиёсатнинг фаол иштирокчисига айланаётганини кўрсатмоқда.

# ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ОСОН ЭМАС

Хусусан, ҳисобот-сайловларда қайд қилинаётган рақамлар аъзолар манфаатлари йўлида кўрилатган чора-тадбирлар залворини теран ҳис қилишга ёрдам бермоқда. Белгиланаётган вазифалар кўлами эса янада кенг.

— *Тасарруфимиздаги 2 542 та бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайловлар касба аъзоларининг фаол иштирокида ўтди, — дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши деб топдилар. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда Якуббой Эгамовга яна бир бор ишонч билдирилди.*

*ўйқотган оилаларнинг 27 тасига ҳуқуқий маслаҳат берилди. Хизматчиларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб, 4 марта судларда иштирок этилди. Шунингдек, беш йил мобайнида 1 232 та ёзма ва 148 та оғзаки мурожаат қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.*

Делегатлар ҳисобот юзасидан ўз фикрларини билдириш асноси ташкилот фаолиятини қониқари деб топдилар. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда Якуббой Эгамовга яна бир бор ишонч билдирилди.

\*\*\*

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилояти бирлашган кўмитаси II конференцияси ҳам таҳлилларга бой бўлди. Унда дастлаб бирлашган кўмита раиси Алишер Салаевнинг ҳисоботи тингланди.

— *Утган давр мобайнида соҳа меҳнатқашларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга, ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги борасидаги ишларни яхшилашга, аёллар ва ёшларга оид масалаларга, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга, сирасини айтганда, жамоа шартномасида белгиланган вазифаларни бекам-кўст бажаришга кўлдан келганча ҳаракат қилдик, — деди у ўз нутқида. — Назаримда, бирон-бир ходим эътибордан четда қолмади. Ҳаммасини кўллаб-қувватладик, керакли ёрдамимизни аямадик. Умуман олганда, 2021 йилда жамоа шартномалари шартлари бўйича ходимларнинг ҳар бирига ўртача 4 миллион 268 минг 700 сўмдан ҳаракат қилинган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 5 миллион 426 минг 600 сўмни ташкил қилган.*

Шундан сўнг делегатлар Алишер Салаевни бирлашган кўмита раислигига қайта сайладилар. Бошқа масалалар ҳам тегишли тартибда кўриб чиқилди ва бу борада зарур қарорлар қабул қилинди.

**Муҳаббат Тўрабоева**  
«ISHONCH»

## БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

# СИРДАРЁДА ЯНГИ ОРОМҒОҲ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан Сирдарё туманида барпо этилган «Сирдарё» болалар соғломлаштириш оромгоҳи 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимлар фарзандларини илк бор ўз кучоғига олди.

Оромгоҳ ўғил-қизларни нафақат мароқли дам олдириш ва жисмонан чиниқтириш, балки уларнинг интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш, ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича билим ва кўникмаларини мустақамлашга хизмат қилувчи марказ сифатида иш бошлади.

Бу ерда барча қўлайликларга эга Маданият ва маърифат маркази, замонавий тўғарақлар хоналари, тантаналар амфитеатри, сузиш ҳавзаси, болалар майдончалари, замонавий лойиҳалар асосидаги ётоқ бинолари, барча шарт-шароитлар ва қўлайликларга эга бўлган ошхона, ювенил хоналари барпо этилган.

«Сирдарё» оромгоҳи бу йил

5 навбатда фаолият кўрсатади. Мавсумда янги оромгоҳда 1000 нафардан зиёд ўғил-қиз мароқли дам олиб, саломатлигини мустақамлайди.

10 гектардан зиёд майдонда қурилиб, фойдаланишга топширилган оромгоҳда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари учун 40 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

Оромгоҳнинг очилиши ҳақиқий байрамга айланб кетди. Куй-қушиқ, уйин-кулгу давомли бўлди. Тантаналар сўнгида болаларга оромгоҳнинг рамзий қалити топширилди.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА**  
«ISHONCH»



## БУНЁДКОРЛИК

# ЗАМОНАВИЙ ТРЕНАЖЁР ЖАМЛАНМАСИ ТОПШИРИЛДИ



Болалар — келажакимиз. Мамлакатимизда уларнинг илм олиши, маънан баркамол, жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Бундай хайрли ишларга касба уюшмалари ҳам муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Яқинда Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги 78-алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатга Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Э.Байниязов, Оққўрғон тумани ҳокими ўринбосари Ж.Жаниқулов бориб, масканда яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Бу жараёнда мактаб-интернатга Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг совғаси — жисмоний тарбия хонаси учун замонавий тренажёр жамланмаси топширилди.

**Зафар Қўлматов,**  
Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси  
Республика кенгаши бош мутахассиси



■ МАВЗУГА ҚАЙТИБ...

«ИШОНЧ» ГАЗЕТАСИНING ШУ ЙИЛГИ 6 МАЙ СОНИДА «ТИЛДАН ЗАҲАР ЭМАС, БОЛ ТОМСА ЭДИ...» САРЛАВҲАЛИ ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛА ЧОП ЭТИЛГАНДИ. УНДА БОЁВУТ ТУМАНИДАГИ 8-ЎРТА МАКТАБДА МАЪНАВИЙ МУҲИТ БУЗИЛГАНИ ТУФАЙЛИ ЖАМОАДА ГУ-РУҲБОЗЛИК АВЖ ОЛГАНИ, ТАЪЛИМ-ТАР-БИЯ МАСАЛАЛАРИДА БАЪЗИ БИР ОҚ-СОҚЛАНИШЛАР КЎЗГА ТАШЛАНГАНИ ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТИЛГАНДИ.

■ КАМБАГАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

# МУҲТОЖГА КЎМАК БЕРМОҚЧИ БЎЛСАНГ...

Унга балиқ эмас, қармоқ бер, деган иборани эшитгансиз. Бу бежиз айтилмаган. Чунки кўплаб муаммоларнинг асл сабаби ишсизликдир. Шу боис бугун бандликни таъминлаш, одамлар учун доимий даромад манбаи яратиш энг устувор вазифага айланди. Дастур, фармон, қарорлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди.



Жиззах вилоятида ҳам ушбу йўналишда олиб борилган ишлар салмоғи катта. Статистик рақамлар мисолида таҳлил этадиган бўлсак, режа бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида биргина Жиззах шаҳрида 3 минг 543 та янги иш ўрни яратиш белгиланган эди. Амалда бу кўрсаткич 6 минг 508 тани ташкил этди.

оқсилга бой ҳисобланади. Шунинг учун харидори кўп. Айни пайтда бозорларда унинг бир килограмми 25-30 минг сўмдан сотилмоқда. Ушбу нав тахминан 27-28 кунда ҳосилга кириб, бир ойнинг нари-берисидея пишиқ-етиллади. У мавсум танламайди – йилнинг исталган ойларида етиштириш мумкин.

лашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, «Ипак йўли» маҳалла сервис компанияси ташкил этилиб, унга 72 миллион сўмлик мототехника ва анжомлар ажратилди. Фаолиятини 12 нафар ходим билан бошлаган қорхонада бугун 20 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

«БИР КОНТУР – БИР МАҲСУЛОТ» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

Мирзачўл туманидаги «Ипак йўли» МФЙда ҳам инфратузилмани яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, маҳалла ҳудудида оқова сув ариқларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, янги тармоқларни тортиш учун 3 миллиард 300 миллион сўм йўналтирилди. Натижада аҳоли томоққаси обихаётдан баҳрамад бўлди. Бу, ўз навбатида, бандликни таъминлашга, самарадорликни оширишга, оила бюджетни яхшилашига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, «Бир контур – бир маҳсулот» лойиҳаси доирасида аҳоли томоққасида 1 гектарлик лимон етиштиришга ихтисослаштирилган, ҳар бири 4 сотихдан иборат 25 та иссиқхона қуриш ишлари бошлаб юборилди. Шундан 6 таси тўлиқ қуриб битказилди.

– Турмуш даражамизни яхшилаш йўлида маҳалламизда олиб борилган ишларимиздан мамнунмиз, – дейди «Ипак йўли» МФЙда истикомат қилувчи Анара Ризбекова. – Айниқса, сув муаммоси ижобий ҳал этилгани нур устига нур бўлди. Чунки обихаёт бўлмаसा, минг урининг, қўлингиздан ҳеч нарса келмайди. Икконтурдан фойдаланиб, томоққамизда иссиқхона барпо этдик. Ҳадемай меҳнатларимиз самарасини кўраемиз.

Дарҳақиқат, маҳалла иссиқхона ҳужалигига ихтисослаштирилган, аҳоли доимий даромад манбаига эга бўлди. Демак, одамларга балиқ эмас, қармоқ тутқизишда ҳикмат кўп.

Муқимбой ИСМОИЛОВ «ISHONCH»

## ҲАР БИР ИШИМИЗ ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН!

Ёхўд сўнғги нуқта қўйилмаётган баҳсга эҳтимолий сўнғги нуқта

Табиики, ҳар қандай танқиддан асл мақсад камчиликларни фож эйтиш, уларнинг пайини қирқиб, олдин олиш, хатолар такрорланмаслиги учун жамоада маънавий муҳитни яхшилашга қаратилган бўлади. Биз ҳам шу йўлни танлаган эдик. Афсуски...

– дейди бошланғич синф ўқувчиларига дарс берувчи олий тоифали ўқитувчи Муҳайё Абдурахмонова.

қора бўёқ чапламоқчи эмасман. Аммо бор гапни рўй-рост айтмасан, бўлмайдиганга ўхшайди...

Яқинда Сирдарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ҳамда туман халқ таълимидан нуфузли мутахассислар мактабга ташириб буюриб, юзага келган ҳолат билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдилар. Шунга кўра, томонлар тингланган. Бир неча ўқитувчидан тушунтириш хатлари ва билдирешномалар олинди. Ана шу жараёнда улар мактаб директори Абдуманноп Йўлдошев ҳақида асосан танқидий фикрлар билдиришди. Бундай аччиқ ва очиқ гаплар эса текширувчиларга ёқмади. Улар ўқитувчиларга «Ундай деб ёзинг, бундай деб ёзинг!» деб кўрсатмалар беришди. Ҳолбуки, тушунтириш хати ўзгали аралашувисиз, эмин-эркин битилиши шарт.

Бундан қатъи назар, маъмурият қувонич учун сал шовмай турса, яхши бўларди. Ахир, директорнинг ишончини қозонган кишилар орқали моддий ёрдамдан тўланган «улуш»ни ўчириб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди-ку!

Бундан 30 - 40 йил муқаддам гуржиларнинг «Тавба-тазарру» фильмининг кўрган эдим. Ҳассага таянган қари кампир дераза олдида ўтирган аёлшай турса, яхши бўларди. Ахир, директорнинг ишончини қозонган кишилар орқали моддий ёрдамдан тўланган «улуш»ни ўчириб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди-ку!

Яна бир масала. Абдуманноп Йўлдошев жуда меҳрибон киши. У қатор бошланғич синф ўқитувчиларига моддий ёрдам беришни хуш кўради. Бу ҳолни ҳеч бир кесатиқсиз табриқлаш мумкин. Фақат... Агар мана шу «фақат»и бўлмаганда эди, мақола муаллифлари ҳам, айрим ўқитувчилар ҳам ғирт ёлғончи деган ном олишарди.

Бундан қатъи назар, маъмурият қувонич учун сал шовмай турса, яхши бўларди. Ахир, директорнинг ишончини қозонган кишилар орқали моддий ёрдамдан тўланган «улуш»ни ўчириб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди-ку!

Демакки, ҳар бир йўл, ҳар бир ният, инсоннинг ҳар бир ташлаган қадами саодат манзилга элтмоғи, эзгуликка хизмат қиломоғи лозим. Акс ҳолда, Аллоҳ томонидан берилган умрининг мазмунини қайда қолдири?

– 2023 йил июнида менга мактаб раҳбарияти тавсияси билан 35 фоиз устамма белгиланди. Ана шунда Гулнисо Бегматова мени директор Абдуманноп Йўлдошевнинг хонасига чақириб, келишининг пластик картаси рақамини берди-да, «Бир ойлик устамани олдиндан мана шу пластик рақамга ўтказасиз», деди. Мен иложсизликдан уларнинг шартига кўндим,

Бундан қатъи назар, маъмурият қувонич учун сал шовмай турса, яхши бўларди. Ахир, директорнинг ишончини қозонган кишилар орқали моддий ёрдамдан тўланган «улуш»ни ўчириб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди-ку!

Бундан қатъи назар, маъмурият қувонич учун сал шовмай турса, яхши бўларди. Ахир, директорнинг ишончини қозонган кишилар орқали моддий ёрдамдан тўланган «улуш»ни ўчириб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди-ку!

Ўртимизда камбағалликни қисқартириб, фаровонликка эришиш учун бўлаётган интилишларнинг чеки йўқ. Уларнинг шарофати ўлароқ, сўнғги уч йилда кўмакка муҳтож 3 миллион кишининг яшаш шароити яхшиланиб, камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизга туширилди. Жорий йилда эса ижтимоий ҳимояга муҳтожлик кўламини камайтириш учун 20 трлн. сўм ажратиш кўзда тутиляпти. Давлат томонидан берилётган бу маблағ мақсадли сарфланса, аҳоли орасида камбағаллик даражаси 7 фоизгача пасайиши мумкин экан. Шундан ҳам кўриниб турибдики, бу йил камбағалликни қисқартиришда ҳал қилувчи йил бўлади.

## ФАРОВОНЛИККА ЭРИШИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЎП, АММО...

– Бундан беш йил аввал вилоятимизда 48 мингга яқин камбағал оилалар рўйхати шакллантирилиб, уларда яшаётган 250 мингга яқин фуқаролар ижтимоий ҳимояга олинганди, – дейди Узебекистон қасба уюмлари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов. – 2021 йили вилоятимизда аҳоли муаммоларини ҳал қилишга 3 миллиард сўм ажратилди. У 60 нафар маҳаллий кенгаш депутатлари нозорати остида камбағалликни қисқартиришга йўналтирилди. Шу тариқа ҳудуддаги 16 минг камбағал оила билан тизимли иш олиб бориш, уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш учун замин яратилди.

ражаси 6,6 фоиздан 5,4 фоизга туширилди. Камбағал оилалар билан тизимли иш олиб бориб, 11,6 мингга яқин оиланинг 55,2 минг нафар аъзоси камбағалликдан чиқарилди. Янги иш ўринлари очиш ҳамда тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 98 минг нафар фуқарони кўллаб-қувватлашга 2023 йилдан жорий йилнинг иккинчи чорагига қадар бўлган вақт оралиғида 1 трлн. 803 млрд. сўм кредит ажратилиб, улардан 12,1 минг нафар 63 млрд. сўмлик субсидия билан таъминланди. Ушбу рақамлар ҳам ҳудудда ночорликка қарши жиддий чора-тадбирлар қўрилатганини англатади.

Мазкур соҳанинг айрим вакиллари фуқаролар бандлигини таъминлашга қўмаклашиш жараёнида ҳам ҳар хил қинғирликлар қилишмоқда. Чунончи, ўтган йили Нуробод туманидаги Наврўз МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси худуддаги 51 нафар фуқаро «NUROBOD SAM INVEST QURILISH» МЧЖга ишга жойлаштирилганини ҳужжатлаштирган. Аммо ўрганишлар чоғида орадан тўрт кун ўтиб, бу фуқароларни ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқарилгани фож бўлди.

Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга масъул шахслардан айримларининг хурмача қилиқлари кўпайишга кўлайдики, асло камайгани йўқ. Улар орасида тамағирлари ҳам бор. Бу эса, камбағалликни қисқартиришдек устувор вазифалар ижросини таъминлашда оқсашлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»

МУТОЛАА



...Ҳозир кўп китоблар чиқаяпти. Улар билан танишар эканман, аксариятида туйғу етишмаётганини кўраман. Ҳатто шеърӣ китобларда ҳам. Аммо Азиз Норқуловнинг «Жар ғасадига масхарабоз» тўпламини ўқир эканман, ундаги ҳар бир ҳикоя, мақола, хотира туйғуларга бой эканини, муаллифнинг ҳар бир чиқишида кўтармоқчи бўлган мавзуси, муаммоси ва айтмоқчи бўлган гапи борлигини кўрдим.

Эшқобил ШУКУР

# ТҮЙҒУЛАРГА БОЙ КИТОБ

## ДОНОРЛИК – САВОБЛИ АМАЛ!

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2005 йил май ойидаги Халқаро ассамблеясида дунё давлатлари соғлиқни сақлаш вазирлари яқдиллик билан бегараз қон донорлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллаган эди. Ушундан буён ҳар йили 14 июнь – Бутунжаҳон донорлар куни сифатида кенг нишонланади. Жумладан, юртимизда ҳам!

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда юртимизда ноёб юрак операциялари, инсон тана аъзоларини кўчириб ўтказиш каби мураккаб жарроҳлик амалиётлари йўлга қўйилгани ҳамда хавфли касалликлар диагностикаси яхшилангани натижасида бегараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш, уни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, қон куйиш станцияларининг моддий-техник базасини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, «Донорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш тизими» тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун билан бир қатор янгилликлар жорий этилди. Унга қўра, «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўрама нишони билан тақдирланган шахсларга бир йўла бериладиган пул мукофоти оширилиб, базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)нинг 15 бараварига тенг қилиб белгиланди. Ваҳоланки, илгари бу рақам БҲМнинг 5 баравари миқдорига эди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда юртимизда ноёб юрак операциялари, инсон тана аъзоларини кўчириб ўтказиш каби мураккаб жарроҳлик амалиётлари йўлга қўйилгани ҳамда хавфли касалликлар диагностикаси яхшилангани натижасида бегараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш, уни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, қон куйиш станцияларининг моддий-техник базасини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, «Донорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш тизими» тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун билан бир қатор янгилликлар жорий этилди. Унга қўра, «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўрама нишони билан тақдирланган шахсларга бир йўла бериладиган пул мукофоти оширилиб, базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)нинг 15 бараварига тенг қилиб белгиланди. Ваҳоланки, илгари бу рақам БҲМнинг 5 баравари миқдорига эди.

Шунингдек, ушбу кўрама нишони билан тақдирланган донорлар ўзлари учун кулай вақтда ҳар йили меҳнат таътилига чиқишлари мумкин ва улар шаҳар йўловчи транспортдан (йўналиш ва йўналишсиз таксилардан ташқари) бепул фойдаланишилади. Санаторий-курортларда даволаниш учун эса йўлланмаларни навбатсиз олиш ҳуқуқига эгадирлар. Энг муҳими, бугун юртимизда Республика қон куйиш маркази, Тошкент шаҳар «Қон препаратлари» ИИЧК, 13 та ҳудудий ва 2 та республика тасарруфидоги қон куйиш станцияси ҳамда даволаш

муассасаларининг 11 та қон куйиш бўлимида қон ва унинг таркибий қисмлари йиғилмоқда. Мақсад – даволаш муассасаларини керакли донорлик қон препаратлари ва компонентлари билан таъминлашдан иборат. ЖССТ тавсияларига қўра, аҳолини қон таркибий қисмлари билан таъминлаш учун қон топиришлар сони 1000 нафар аҳолига каммида 10 нафарни ёки аҳолининг 1 фоизини ташкил қилиши лозим. Юртимизда бу кўрсаткич 2024 йилда 1000 нафар аҳолига 9 тани ташкил эди. Натижада ўтган йили 80 079,26 литр эр-масса, 79 016,04 литр плазма, 3 226,01 литр тромбоконцентрат ва 5 312 доза криопреципитат йиғилди. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида эса 65 806,58 литр донор қони йиғилди. Албатта, бу кўрсаткич янада ошириш мумкин. Айни мақсадда Республика қон куйиш марказининг ҳудудлардаги қон билан ишлаш хизмати муассасаларига давлатимиз томонидан 13 та кўчма донорлик комплекси – махсус жиҳозланган «Isuzu» автобуслари берилди. Бундан ташқари, авваллари донор бўлиш учун тегишли ташкилотлардан жуда кўп маълумотнома сўраларди. Ҳозир эса уларга ҳожат йўқ. Донордан фақат шахсини тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ёки идентификация ID-картаси ёхуд янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳарбий хизматчида эса, ҳарбий ҳисобга олиш ҳужжатлари (ҳарбий гувоҳнома ёки офицернинг шахсий гувоҳномаси) талаб этилади, холос. Қорхона ва ташкилотлар, уюшган жамоалардан бўладиган мурожаатлар бўйича қон хизмати муассасаларининг махсус мобил бригадаси донорлар манзилига бориб, улардан қон олиб келиши ҳам мумкин.

Маълумот учун. Юртимизда 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган, вази 50 килограмдан юқори, гемоглобин миқдори эркакларда 128, аёлларда 120 бўлган ҳар бир шахс донор бўлиши ва йилига 4 марта қон топириши мумкин. Ҳар гал топириладиган қоннинг максимал миқдори 450 миллилитр. Соғлиқни сақлаш вазирлиги юрtdошларимизни бегараз донор бўлишга чақиради.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати

Ҳўш, бу қандай туйғулар? Қандай муаммолар, мулоҳазалар ва мавзулар? Биз бугун журналист Азиз Норқуловнинг «Жар ғасадига масхарабоз» китоби мутолаасидан кейинги ўйларимиз ва мушоҳадаларимизни баён этмоқчимиз. А. Норқулов – журналист, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. Ижодий фаолиятини «Маърифат» газетасида бошлаб, кейинчалик «Ҳуқуқ ва бурч» журналида, «Ватанпарвар» газетасида анча йиллар ишлаган. Шу жараёнда ҳарбийларнинг метиндек мустаҳкам иродасини кўриб-билгиб ва юрак-юрагидан ҳис этган. Улар билан бирга кўп ўлкаларни кезган. Шу боис муаллифнинг мазкур китобида ҳарбийлар ҳаётига оид мақолалар, ҳикоялар ва суҳбатлар кўп.

Одатда, биз Ватан ҳақида чиройли гаплар айтган кишиларни ватанпарвар, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга, «форма» кийган, ҳарбий соҳада ишлайдиган юртдошларимизни қаттиққўл, ҳис туйғуларга берилмайдиган инсон сифатида кўраемиз. Китобдаги айрим мақолаларни ўқиганда эса, гапиришдан кўра, ўзига берилган топирикни аъло даражада удалашни афзал биладиган ҳарбийларнинг ҳам қалбида тўлиб-тошувчи ички ҳиссиётлари борлигини, аммо улар бу ҳиссиётларини жуда яхши бошқара олишини тушунамиз. Ва яна муаллиф шундай воқеаларни қаламга олганки, уларда ҳарбийларнинг юраги туб-тубида кучли ватанпарварлик туйғуси мавжудлигини илғайсиз.

А. Норқулов ўзи илк бор ҳарбий кийим кийган кундаги ҳиссиётларини гапириб берадими, Тувадаги ҳарбийлар спорт мусобақаси ҳақида ҳикоя қиладими ёки сизни полковникнинг армони билан таништирадими, уни ҳарбийлар орасига тушиб қолган тилмоғча ўхшатадими. Негаки сиз сўрамангиз, ҳарбийлар қандай қаҳрамонлик кўрсатгани ёки муваффақиятга қандай эришгани ҳақида ўзлари гапирмайдилар. Чунки улар бундай қаҳрамонлиқни ҳаққонанга

ган йўли ва иши деб билади. Аммо яхши-лаб ўйлаб кўрсангиз, бу қаҳрамонлик ортида чинакам зиёлиларга хос юксак маънавият мавжудлигининг шохиди бўласиз. Азиз гўёки ҳарбийлар орасида юриб, ишлаб, улар билан яқин бўлиб, уларнинг ичида ва ташидида кечаётган ҳолатларни ҳикоя орқали ҳарбийларнинг юксак маънавиятини, ватанпарварлигини кўрсатиб беролган. Масалан, Тувада бўлиб ўтган ҳарбийлар мусобақаси тўғрисида шундай ёзади: «...Ҳавонинг азёйди бўзилиб, шунақа бурон турдики, кўз очиргани кўймайди. Шу шароитда матбуот ходимлари ҳам чангисиз анчагина йўлни босиб ўтди. Мусобақа шартига кўра, аскарлар бир кеча тоғда тунаб қолишади. Журналистлар эса ортга қайтишга мажбур бўлди.

– Яширмайман, – дейди ҳамроҳим қайтиб келганимиздан сўнгра, – азбаройи чарчаганимдан қор устига ётиб олгим келади. Аммо оряят ҳаммасидан устун келиб, яна олдинга интилдим. ... Яна бир аскар эса оқсоқланиб келди. Маълум бўлишича, мусобақанинг биринчи кунни оёғи чиқиб кетган экан. Агар у ортга қайтса, жамовдан бир балл олиб ташланаркан. Шу боис ҳалиги аскар чиқиб кетган оёғини ўзи солиб, яна йўлда давом этди...

– Шундай маҳаллар юртимизнинг турли ҳудудларидаги ҳарбий қисмлар, халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув майдонлари, шунақа яраша хизмат қилаётган сафдошларимиздан фахрланиб кетаман. Хизмат сабаб қолиб кетаётган қанчадан-қанча тўю маъракалар, жўра-чилик, қариндош-уруғлардан вақтда хабар ололмаслик, адабий жамоатчиликка вақт ажратолмаслик, жиддий илм йўлини тутта ололмаслик каби ҳамisha ич-этимни емирадиган изтироблар бизро нарх кетмадек бўлади.

А.Норқулов Бахмал туманидаги ўзи туғилиб ўсган Новқа, Ойқор тоғи ва унинг ён-бағридаги қишлоқ манзараларини



меҳр билан тасвирлайди. Тушида бобоси белини белбоғ билан маҳкам боғлаб, Ватанга муносиб хизмат қилишни ўқитгани, қайнука, қайнога ва қайсингиллари, ҳатто бутун умр турмуш ўртоғининг ҳам исмин айтишдан уялган бувиси, онаси, сингиллари ва жанялари ҳақидаги ҳикоялар самимийлиги билан ўқувчини ўзига жалб этади. Воқеалар ичига кириб кетасиз. Муаллиф «Ота уй» деб номланган ҳикоясида қишлоқда туғилиб ўсган, аммо шаҳарда яшаётган одамнинг ҳиссиётлари, болалик хотиралари ва соғинчлари хусусида мароқ билан сўз юртади. Тоғ бағрига, табиат кўйнига чиқиб, қоятошлар билан суҳбатлашади, ҳарсантошлар юрагига қўлоқ тутайди. Пулвирқор тоғларнинг энг баланд чўққисидан туриб ҳайқиргиси келадди. Ана шу ифода услубларини кузатар экансиз, А. Норқуловнинг ёзувчилар

маҳорати ярқ этиб кўзга ташланади. «Жар ғасадига масхарабоз», «Ўзбекиона лутф», «Ўзлим синиклари», «Полковникнинг армони», «Қотиллик», «Таназул», «Тўйдан олдин хато қилманг», «Ўлгуриш санъати» каби мақола ва ҳикояларида эса бугунги давр иллатлари, «яра»си бўлган иллатлар, одамзод билиб-билмай қилган хатолар очиб берилган. Пировардида улардан хулосалар чиқарилган. Умуман олганда, «Жар ғасадига одам» китоби туйғуларга бойлиги билангина эмас, ҳар бир саҳифасида ўзига хос «юк» борлиги, бадиият самимийлиги билан ҳам ажралиб туради. Демак, ушбу китоб ҳам жавонигиздан ўрин олса, вақт ажратиб мутолаа қилсангиз, асло ўқажамасиз!

Зебо НАМОЗОВА «ISHONCH»

## ТАНТИҚНИ «ҲАЙБАРАКАЛЛА» ЎЛДИРАР...

Халқимиз талтайтириб юборилганлар ва талтайиб кетганларга нисбатан «тантиқ» калимасини қўлайди. Бу сўз бўлмагур ва бемаъни қилиқлар маъноларини ҳам англатади. Бизнингча, кундалик ҳаётимизда тез-тез учрайдиган, бошқаларнинг «ҳайбарақалла»си учун ёки «кўриб қўй» маъносига қимўзарга қилинаётган айрим ортиқча дабдабозликлар ҳам тантиқликдан бошқа нарса эмас.

Биргина чақалоқни туғуруқхонадан олиб чиқиш маросимига назар ташлайлик. Шарплар, гуллар билан безатилган бир хил русумдаги турнақатор машиналар, мултыққаҳрамонлар, тўда-тўда қариндошлар, қарнай-сурнайлар,.... Ичқарида ҳали чўмилтирилмаган чақалоқча, агар у ўғил бўлса кўёв либоси, қиз бўлса, синтетик толали келин кўйлаги кийдирилади. Онаси эса «Туғуруқхонадан чиқаётганда кияман», деб не-не машашалар билан олдирган қимнатбахо кўйлагини ювинмаган ҳолида энгига илади.

– Аслида она-бола ўзларининг саломатликлари учун жуда зарур саналган зарарсизлантирилган пахта толали кийимда бўлишлари керак, – дейди 40 йил туғуруқхонада ишлаган боёвтулик доя Покиза Холқова. – Бу – биринчидан. Иккинчидан, ҳозирги ёш оналар болани йўрақлашдан бутунлай воз кечишган. Ҳолбуки, йўрақ янги туғилган гўдак ўша жойдаги иқлимга мослашишида муҳим аҳамиятга эга. Йўрақдаги бола чилла чоғида ўзини она қорнидагидай ҳис қилади ва тинч ухлайди. Чилла эса ҳимояланиш, сақланиш омили, замонавий тиббий тилда айтганда, карантин ҳисобланади. Қирқ кунлик бу давр чақалоқнинг энг нозик, турли касалликларга тез чалинадиган дамлара тўғри келади. Шунинг учун ҳақ доно молларимиз янги меҳмонни ўша муддат оралиғида бегоналарга кўр-

сатмасликни, қоронги пайтлар кўчада олиб юрмасликни, она ва болани уринтирмай-топкиртмай парвариллашни алоҳида эътиборда тутишган. Ҳозирги пайтда туғуруқхонадан чиққан она-болани уйда дабдабали кутиб олишларга келсак, бу борадаги барча хатти-ҳаракатлар иккисининг ҳам соғлиғига путур етказиши. Қолаверса, уларга ҳамроҳ бўлган мултыққаҳрамонларнинг кийимларидан тортиб, барча безакларда антисанитария ҳолатлари кузатилади.

Тўй ва оилавий маросимлар фақат шахсий эмас, балки ижтимоий аҳамиятга молик масаладир. У бир оилада ўтказилса-да, бутун жамият ҳаётига, халқ саломатлиғига салбий таъсир кўрсатади. – Инсонга ҳар кўргулик бир сабоқ бўлиши керак, – дейди Мансур исмли йигит. – Ковид чоғидаги қаттиқ карантин кунлари аёлим туғуруқхонага тушиб қолди. Болам иккисидан ҳар кун хабар ололмадик. Уйга кетишга рухсат берилган, ўзим бори, уларни олиб келдим. Карантиндан кейин туғилган иккинчи фарзандимни ҳам худди шу зайдда туғуруқхонадан олиб кичдим. Ҳозир катта фарзандим беш ёшда, кичиги уч баҳорни қаршилади. Демокчи бўлганим, чақалоқни туғуруқхонадан чиқимдор ва тантанавор маросимларсиз олиб қилса ҳам бўлар экан. Чунки мени ҳеч қим «Нега тантана қилмадинг? Мултықфильмдагилар қани? Нега уйингни безатмадинг?» деб қойимди. Демак, ҳамма гап ўзимизда.

– Чақалоқни туғуруқхонадан уйга олиб келиш тантаналарига каттагина маблағ сарфланади, – дейди Сидраё туманидаги Улуғбек маҳалласи фаоли Зулфия Сағатова. – Энг қизиғи, охириги вақтларда хонадонларни безатиб бе-

радиған хизматлар ҳам пайдо бўлибди. Бунақа бефойда ишларга ва ортиқча исрофгарчиликларга барчамиз бир-дай қарши туришимиз керак. Энг ёмони, кимўзарга қилинаётган ёки ўткинчи ҳою хавасларга тўла маросимлар баъзан ёш оилалар бузилиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда. Кимдир қудаси берган сарполардан камчилик топса, бошқаси айнан шунақа тантана ўтказаман деб қарзга ботмоқда. Оқибатда ўртага совуқлик тушиб, қасри оилаларга урмоқда.

– Бугунги кунда урчиган айрим ғалати одатларни ҳеч иккиланмай, «оммавий маданият» маҳсули дейиш мумкин, – дейди маънавият тарғибчиси Норинисо Қосимова. – Масалан, чақалоқни олиб келиш жараёнида катнашадиган мултыққаҳрамонларни олайлик. Ҳаммаси Фарбада ишланган фильмлардаги образлар. Ҳўш, уларнинг иштироки бизда қачондан бошлаб бу қадар тез оммалашди? Ҳолбуки, юртимизда дунёга келган янги меҳмонни илк бор қандайдир хайвонлар эмас, фаршталли, кўпни қилган нуронийлар дуолар ила бағрига босиб кутиб олишган. Бола соғлом бўлиши учун она яхши овқатланишига ва мейёрида дам олишига алоҳида эътибор қаратишган, катталар ва оиланинг бошқа аъзолари уларга ёрдамлашган.

Биз бу янглиғ гўзал маданиятимиздан қачон узоклашиб улгурдик? Чақалоқ келишига тумонат одам йиғиб, «кий-чўв» қилиб, ҳаммаёқни бошга кўтаришар, дастурхон тузаб, кетма-кет таомлар тортиб, исрофгарчиликка йўл қўйишлар, янги бўшанган келиннинг «Хўш келибсиз!» деб таъзим қилиб туриши қачон таомилмиғизга айланди? Менимча, эндиликда миллатни таназзулга етакловчи ҳамда нуқул зарар келтирувчи бемаъни урф-одатлар ва маросимлардан бутунлай воз кечадиган пайт келди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА «ISHONCH»

Мароқли дам олинг, азиз газетхон! QR code

Маъмуржон Узоқов ижросида «Суратинг» кўшиғи

Не балолӣ эрди, эй шўхи дилорӯ, суратинг, Ақлими пол этти қилгунча тамошо суратинг. Кетти бир кўргач ани сабру қарорим шеваси, Айлади тоқат нечук чекканда тарсо, суратинг? Фурқат ғазали

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan. «Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doverie»). Bosh muharrir Husan ERMATOV. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallifning fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin. Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-90) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93. Navbatchesi muharrir: Alijon ABDURAHMONOV. Musahhih: Umida XUDOYBERGANOVA. Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV. Bahosi kelishilgan narxda: Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch 1991@yandex.uz. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlil chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Umumiy adadi 132 408 ta. Shunday: 6 187 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 306 nusxasi «Eruditi» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-611 1 2 3 4 5 6